Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 94 (9340). • 1988 йил 13 май • жума • Баҳоси 3 тийин.

## МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Иваново, Владимир, Новгород ва Тюмень областларида оталиқ ёрдами бераётган қурилиш ташкилотлари коллективларининг 1988 йил 1 кварталдаги республика социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланиш министрлигининг «Узурайдорстрой» трести,

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг «Узвладимирводстрой» трести

коллективлари республика социалистик мусобақасининг ғолиблари деб топилдилар ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ҳамда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар.

## БУТУНИТТИФОҚ XIX ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

### ОММАВИЙ ТУС ОЛМОҚДА

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлинмалари ўртасида Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган ватанпарварлик ҳаракати тобора оммавий тус олмоқда. Кўпчилик ишлаб чиқариш илғорлари қутлуғ анжумангача уч йиллик топшириқни бажариш юзасидан бошланган ташаббусда фаол қатнашмоқдалар.

Машинасозлардан М. Рашидов, С. Медведьев, Р. Кенжаев, В. Кузнецов, П. Науменколар, 10-цехнинг Р. Исмоилов бошчилигидаги бригадаси аъзолари мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Уларнинг ҳар сменадаги ўртача иш кўрсаткичлари 115 процент ва ундан ҳам ортиқ бўлмоқда. Қўлидан чиқаётган деталлар ва узеллар сифатли бўлганлиги учун биринчи тақдимдаёқ қабул қилинмоқда. Улар ўзларининг унумли ишлари билан корхона коллективи ютуқларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар, барча касбдошларини юксак меҳнат кўрсаткичларига эришишга ундамоқдалар.

С. САЪДИЕВ.

### КОМПЛЕКС БРИГАДАДА

ЧКАЛОВ номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлинмаларида Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига социалистик мусобақа давом этмоқда. Унда фаол иштирок этаётган кўплаб коллективлар ва ишчи-хизматчилар топшириқларини тўла ва ошириб бажариш ҳамда фақат сифатли маҳсулот тайёрлашга эришмоқдалар.

Илғор коллективлар ҳақида сўз борганда катта мастер А. Юнусов раҳбарлигидаги бўлинма коллективи биринчилар қаторида тилга олинади. Чунки, бўлажак самолётнинг айрим мураккаб узелларини тайёрлаш билан шуғулланаётган бу коллектив йил бошидан бери мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Ўртача иш кўрсаткичлари 110 процентни ташкил этяпти.

Бўлинмадаги группалар ўртасидаги меҳнат беллашувида ёш ишлаб чиқариш мастери У. Эрматов раҳбарлигидаги коллектив олдинда бормоқда. Группанинг К. Малахов бошчилик қилаётган комплекс бригадасининг иш кўрсаткичлари юқори бўлмоқда. Бу коллектив ойлик топшириқларини доим ортиғи билан бажармоқда, шу кунларда июнь ойи ҳисобига маҳсулот беряпти.

А. КАШАПОВ,
«Ударник» кўпнусхали газетасининг мухбири.

• Ғўза парвариши кундалиги

### БИРИНЧИ ИШЛОВ ТУГАДИ

МАШРАБ Тўйчиев бошлиқ бригада аъзолари Янгийўлдаги «Ленинизм» колхозида биринчи бўлиб экишни тугалладн. Оби-тобида ерга ташланган уруғлик бир текис униб чиқди. Коллектив механизатори Ақилбек Бекназаров пешма-пеш дастлабки культивацияни ҳам бошлаб юборди. Ҳозиргача 48 гектар майдондаги экин қатор оралари сифатли юмшатиб қўйилди.

Бригадада бошқа дала ишлари ҳам уюшқоқлик билан бораяпти. Деҳқонлар ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилида ҳосилдорликни гектар бошига 29 центнерга етказишга аҳд қилганлар.

З. СУЛТОНОВ.

### ҲАР ДАҚИҚА ҒАНИМАТ

**БЕКОБОД района деҳқонлари ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилида 24473 гектар майдонда пахта етиштиришмоқда. Ҳозиргача районда барча хўжаликларда экилган уруғлик тўлиқ униб чиқди. Айни кунларда далаларда олиб борилаётган тадбирлар ҳақида район агросаноат бирлашмасининг бош агрономи Хўжаахмад БОБОМУРОДОВ шундай ҳикоя қилади:**

— РАЙОН агросаноат бирлашмасида бажариладиган ҳар бир тадбир олдиндан пухта тузилганлиги яхши иш бераяпти. Чунки чигитни тўлиқ ундириб олдим, деб, хотиржамликка берилган деҳқон кўп нарсани ютқазиб қўйиши мумкин. Шунинг учун ғўза икки қулоқ бўлган карталарда пешма-пеш биринчи культивацияни бошлаб юбордик. Ҳозир РАПО мутахассислари фақат далаларда фаолият кўрсатишмоқда. Деҳқонларга амалий ёрдам беришяпти. Кунига 364 та техника ёрдамида 2,3 минг гектардан ортиқ ғўза қатор оралари дастлабки культивация қилинмоқда.

Ҳозирги шароит ишни жадаллаштиришни талаб қилмоқда. Шуни ҳисобга олиб биз уруғлик дастлабки униб чиққан ва ишлов берилган карталарда биринчи озиқлантиришни ҳам бошлаб юбордик. 26 та техника ёрдамида 500—550 гектар ердаги ниҳол озиқлантирилмоқда. Кетма-кет бу майдонларга сув қўйилмоқда.

Деҳқонларимиз шу кунлардаги яна бир энг муҳим тадбир — ғўза яганасини ҳам уюшқоқлик билан олиб боришяпти. Ишчи кучидан тўғри фойдаланган колхоз ва совхозларда ягана деярли якунланди. Район бўйича 11 минг гектардан ортиқ майдондаги ғўза қўлдан ўтказилди. Дзержинский номли, Ленин номли колхозлар, Ойбек номли, «Партия XXV съезди», «Далварзин» совхозларида ғўза парвариши пухта ташкил этилаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Бу хўжаликларда барча тадбирлар аниқ, қисқа фурсатда сифатли бораяпти.

Айни пайтда «Авангард» ва Мавлонов номли совхозда ғўзанинг ривожи яхши эмас. Экиш давридаги эътиборсизлик, пала-партишлик бугун панд бераяпти. Айрим карталарда ғўзанинг оласини экишга тўғри келмоқда. Район агросаноат бирлашмаси ҳозирданоқ бутун диққат-эътиборни ривождан бир мунча кечика бошлаган карталардаги ниҳолни қўшимча парвариш қилишга, амал олишини жадаллаштиришга қаратмоқда.

Деҳқоннинг тили билан айтганда ҳозир мўл ҳосилга пойдевор қўйиладиган пайт. Шундай экан, ҳар дақиқани ғанимат билиб парваришга зўр беришимиз керак.

### УЛАР МАССИВ ҚУРИШАЯПТИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахтининг йирик уй-жой массиви — Юнусободнинг истиқболи янада порлоқдир. Ўн иккинчи беш йиллик давомида бу ерда 780 минг квадрат метр турар-жой барпо этиш назарда тутилган. Массивни бунёд этишда қатнашаётган 1, 2, ва 3-уйсозлик комбинатлари коллективлари бу масъулиятли ва шарафли вазифани муваффақиятли уддалаш, айни вақтда кўплаб маданий-маиший хизмат кўрсатувчи объектларни барпо этиш йўлида фидокорлик кўрсатмоқдалар.

Массивнинг биргина Мирзааҳмедов кўчасида ҳар бири 108 квартирали 6 та кўп қаватли уй барпо этилмоқда. Унинг биринчиси фойдаланишга топширилди. Юздан ортиқ тошкентлик оилалар бу ерда ҳовли тўйлари ўтказишди. Бунёдкорлик ишларида 3-уйсозлик комбинатининг У. Зокиров бошчилигидаги коллективи унумли ва сифатли ишламоқда. Ҳар ойда қўшимча ўнларча минг сўмлик пудрат ишлари амалга оширилмоқда.

2-уйсозлик комбинатининг Н. Ванин, А. Закусиловлар бошчилик қилаётган бригадалари меҳнати натижаси ҳам баракали бўлмоқда. Улар графикдагидан уч ой илгарилаб кетишган. Бутуниттифоқ XIX партия конференциясигача планга қўшимча 60 минг сўмлик қурилиш ишларини амалга ошириш ҳақидаги мажбуриятларини шараф билан уддаламоқдалар.

С. СУЛТОНОВ.

### Делегатликка номзодлар

### РАҲБАР, ТАРБИЯЧИ, ТАШКИЛОТЧИ



КЕЙИНГИ йилларда Пискент районидаги Охунбобоев номли колхознинг номи катта йиғинларда тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Бу бежиз эмас. Хўжалик юксалишнинг ойдин йўлига чиқиб олмоқда. Энг яхши тажрибалар, иш услублари, янгиликлар дадиллик билан жорий этилмоқда.

Аслини олганда бунда ҳеч қандай сир йўқ. Ҳамма гап шундаки, ишда қатъий тартиб-интизом ўрнатилган. Раисдан тортиб, оддий колхозчигача ўз ишини билиб қилишга ҳаракат қилади. Топшириқни астойдил сидқидилдан бажариш учун курашади.

Хўжаликда инсон омили биринчи ўринга қўйилган. Пахтакор ҳам, чорвадор ҳам, қўйингки, хўжаликда моддий бойлик яратишга ҳисса қўшишга даъват этилган ҳар бир киши меҳр билан меҳнат қилади. Чунки, у ўз меҳнатининг пировард натижаси яхши бўлса, даромади шунчалик мўмай, турмуши фаровон бўлишини сезиб, билиб туради: меҳнатни ташкил этишнинг илғор усули коллектив, оила пудрати бу хўжаликда аллақачоноқ бошланган. Шунинг учун ҳам ҳар бир тармоқда меҳнат унумдорлиги кескин ошган. Колхоз ҳар йили план топшириқларини ортиғи билан бажаради. Рентабеллик ортиб, соф даромад кўпаяётганлигининг сабаби ҳам шунда. Пахтачиликнинг ўзидан ҳар йили 750 минг сўмдан ортиқ даромад қилинмоқда. Даромаднинг бир қисми қишлоқни ободонлаштиришга, колхозчиларнинг турмуш фаровонлигини оширишга сарфланмоқда. Бунда ҳеч шубҳасиз колхоз раиси Муносиб Авазовнинг ташкилотчилик роли катта бўлаётир.

Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига делегатликка номзод кўрсатиш учун очиқ партия йиғилишига тўпланганлар буни яхши билишарди. Улар номзодлар энг актив, қайта қуришнинг олдинги сафларида бораётган, ишлаб чиқариш новаторлари, мутахассислар, партия ва совет ходимлари орасидан кўрсатилишини дилдан ҳис этардилар. Шу боисдан кўпчилик колхоз раиси Муносиб Авазовнинг номзодини лойиқ деб топди.

— Менга раисимизнинг битта хислати жуда ёқади. У ҳар бир ишда ҳисоб-китоб бўлишини талаб этади. Ўзи ҳам ҳисоб-китобни яхши билади,— деди илғор колхозчи Туроб Асраев.— Мана ҳозир хўжалигимизда пахтачилик, чорвачилик, сабзавотчилик, бу йилдан бошлаб ерёнғоқ етиштиришда ҳам коллектив пудрати, оила пудрати қўлланилмоқда. Авваллари кўплар бу усулнинг истиқболига шубҳа билдиришарди. Қанча ҳаракат қилмайлик, барибир натижа яхши бўлмайди, деб ўйлашарди. Лекин раисимиз бу фикрнинг нотўғрилигини исботлаб берди. Оила пудрати шартлари, имкониятлари, олинадиган даромад қанча бўлишини ипидан игнасигача тушунтирди. Планидан ташқари етиштирилган маҳсулот учун олинадиган устама мукофот, қўшимча ҳақлар ҳақида батафсил тушунча берди. Шартнома бандларининг аниқ-пухта ишлаб чиқилишига ўзи бош қош бўлди, бу шартларга ҳар бир коллективда қатъий амал қилинмоқда. Мана менинг ўзим оила пудрати бўлиб уч йилдан буён беда етиштирардим. Ўртача ойлик маошим 500 сўмга тўғри келди. Бу йил бедани бузиб, 22 гектар ерда оиламиз билан пахта етиштиришга аҳд қилдик. Ҳамма ишни ўзимиз қиламиз. Четдан ёрдам олмаймиз. Арзон, сифатли пахта етиштирамиз. Бунга менинг ишончим комил. Мен М. Авазовнинг номзодини қўллаб-қувватлайман.

— Ҳақиқатан ҳам колхозимиз экономикаси мустаҳкамланиб, ободончилик ишлари авж олди. Хўжалик территориясида янги мактаб иш бошлади. Янги касалхона ишга тушди. Болалар боғчаси қайта ремонт қилиниб, барча қулайликлар яратилди,— деди болалар боғчаси мудираси Ҳури Холиқулова.— Бундай ишларга раиснинг ўзи бош-қош бўлаётганлигини айтиш керак. Мен ҳам ўртоқларнинг фикрига қўшиламан.

— Бир вақтлари,— деди сут-товар фермаси 6-бригадаси соғувчиси Файзиниса Эркаева,— одамлар чорвада ишлашдан безиллаб қолишган эди. Ҳозир эса бизга ишга кириш учун навбатда турганлар кўпайиб кетди. Нега? Чунки, чорвачиликда ҳам тубдан қайта қуриш ишлари амалга оширилди. Бу иш одамларга яхши меҳнат шароити яратишдан бошланди. Шунинг учун ҳам биз зўр ғайрат ва кўтаринки руҳ билан ишлаяпмиз. Ҳар куни эрталаб соат 8 да иссиқ овқатимиз тайёр. Дам олиш хонаси, чорвадорлар уйи ва бошқа хизмат воситаларидан беминнат фойдаланамиз. Ҳар ким унум билан ишлаяпти. Шунинг учун ҳам маҳсулот олиш кўпайиб бормоқда. Ферма тобора кўпроқ фойда келтираётир. Биз чорвадорларнинг ойлик маошимиз 300—350 сўмданга тўғри келмоқда. Меҳнатинг муносиб тақдирлангандан кейин, касбингга бўлган меҳринг ортиб бораверади.

Ўша кунги йиғилишда сўзга чиққан бошқа нотиқлар ҳам колхоз раиси Муносиб Авазовнинг фазилатлари ҳақида кўп гапларни айтишди. У ниҳоятда камтар, ҳар бир ишни бошлашда аввало ўзи намуна кўрсатади. Бундан уч-тўрт йил илгари пилла тарқатиш ғоят машаққатли ҳисобланарди. Ҳозир эса пилла қурти боқиш иштиёқида бўлганлар кўпайиб кетди. Сабаби бу тармоқда ҳам пиллабоқарларнинг меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилди. Айрим пиллачилар мавсумда 1200—1300 сўм даромад қилишмоқда. Оила пудрати пиллачиликда ҳам ишларни жадал ривожлантириш имконини бермоқда.

Кўпчиликнинг фикри бир ердан чиқди. Улар хўжалик раҳбари, район партия комитети аъзоси, район Советининг депутати Муносиб Авазов номзодини Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегатлигига кўрсатдилар.

Н. РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.





**Парвариш қизғин**

✦ ЯНГИЙЎЛДАГИ «Коммунизм» колхозининг Тошпўлат Азимжонов бошчилик қилаётган звено пахтакорлари хўжаликда ғўза парваришини кун сайин авж олдирмоқдалар. Коллектив деҳқонлари ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилида 82 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта ҳосили етиштиришга аҳд қилишган. Суратларда: (чапдан) звено экономисти Турғун Лутфиев ва звено бошлиғи Тошпўлат Азимжонов; ғўза қатор ораларига ишлов бериш пайти.

А. Зуфаров фотолари.

## ТИНЧ ОСМОН УЧУН

Ўзбекистон меҳнаткашлари Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун анъанавий халқаро кураш ҳаракати ҳафталиги тадбирларига фаол қўшилдилар. Бу тадбир Жаҳон Тинчлик Кенгашининг даъватига кўра, бир неча йилдан бери ўтказилмоқда.

Москвада Олий даражада ўтказиладиган Совет — Америка учрашувини, Европада қуролсизланиш ва ҳамкорлик юзасидан бўладиган Вена конференциясини, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган махсус сессияси мақсадлари ва вазифаларини актив қўллаб-қувватлаш мазкур ҳафталикнинг муддаосидир. «Ҳамкорлик орқали қуролсизланиш» — ҳафталикнинг бош шиоридир.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун урушга қарши ҳаракатлар халқаро ҳафталиги доирасида, 11 май куни бўлиб ўтган урушга қарши митингда «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг юзлаб ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари қатнашдилар.

— Биз Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш борасидаги куч-ғайратларни астойдил қўллаб-қувватлаймиз,— деди ишчи Э. Шамсиев.— Сайёрамиздаги яхши ниятли барча кишиларни қурол-яроғларни камайтириш учун курашда ўз сафларини жипслаштиришга, космос ҳарбийлаштирилишига қарши қатъий курашишга даъват этамиз. Шунга эришиш керакки, фақат Европадагина эмас, бутун дунёда осмон мусаффо бўлмоғи керак. Тинчликсеварлик, янгича сиёсий фикрлаш намуналарини кўрсатаётган социалистик Ватанимиз фаровонлиги йўлидаги зарбдор меҳнатимиз тинчлик ишига қўшган ҳиссамиз бўлади.

Сўзга чиққан бошқа кишилар ҳам Э. Шамсиевни қўллаб-қувватладилар. Улар Европа хавфсизлиги — Ер юзида тинчликнинг гарови эканлигини таъкидладилар. Урушга қарши ҳаракатлар ҳафталигида фаол қатнашиш ҳар бир меҳнаткашнинг, ҳар бир совет кишисининг бурчидир.

Митинг қатнашчилари Совет Иттифоқининг ялпи ва тўла қуролсизланишни, бошқа мамлакатлар билан тинч ҳамкорликни ривожлантиришни кўзловчи ҳаракатларини жаҳонда тобора кўпроқ қўллаб-қувватлайверадилар, деб ишонч билдирдилар.

(ЎзТАГ).

### АФРИКАЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР ТОШКЕНТДА

Африка давлатларидан келиб Москва халқаро журналистика институтида таълим олаётган журналистларнинг катта бир группаси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Улар орасида Бенин, Мали, Мадагаскар, Сенегал, Гвинея, Конго, Того, Кот-дъивуар вакиллари бор.

11 май куни меҳмонлар Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлиб, Ўзбекистон Журналистлар союзининг раҳбарлари, Ўзбекистон информация агентлигининг (ЎзТАГ) ходимлари билан учрашдилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

Африкалик журналистларнинг Ўзбекистон бўйлаб сафари программасида республика газета ва журналлари редакцияларининг ходимлари, Ўзбекистон Касаба союзлари Советининг раҳбарлари, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг активлари билан учрашувлар, саноат корхоналарини, шаҳар атрофидаги совхозни бориб кўриш кўзда тутилган.

СССРнинг фавқулодда ва муҳтор элчиси Л. Мақсудов группанинг республика бўйлаб сафарида ҳамроҳлик қилмоқда.

(ЎзТАГ).

### САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯ

ЎЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академияси физиология институтининг олимлари хлорелладан ўсимлик оқсил моддаларини олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқдилар. Улар мўйна берадиган ҳайвонларнинг озуқа рационидаги гўшт ва балиқни ўсимлик оқсили билан алмаштиришни таклиф қилдилар.

Ҳайвонлардан олинган оқсиллар қораўзак ейдиган озуқанинг 25 процентгача бўлган қисмини ташкил этади. Сув ўсимликларидан ажратиб олинган оқсил моддаси тўйимлилик жиҳатидан ҳам, калориялилик жиҳатидан ҳам ундан қолишмайди.

Тошкент областидаги Бўстонлиқ мўйна ҳайвонлари хўжалигида орттирилган тажриба шуни кўрсатдики, емга ўсимлик оқсили қўшилиши натижасида ҳайвонлар тез ўсади. Териларининг сифати ҳам пасаймайди. Ўсимлик оқсилининг қўлланилиши қораўзакларни боқишга кетадиган сарф-харажатларни анча камайтириш, мўйна таннархини арзонлаштириш имконини беради.

(ЎзТАГ мухбири).

### «Прогресс» тараққиётга ёрдамлашмоқда

✦ **АНГРЕНДАГИ 4-темир-бетон буюмлари заводининг коллективи «Прогресс» маҳаллий кооперативи билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузди. Бу ерда кенг истеъмол буюмларини биргаликда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхона кооператорларга тегишли майдон ажратиб берди, уларни асбоб-ускуналар ва материаллар билан таъминлади. Дастлабки буюртмалар ҳам бажарилди: миллий каравотлар, бадиий қуйма буюмлар тайёрлаб берилди.**

(ЎзТАГ).

### СССР РАҚАМЛАРДА

СССР давлат статистика комитети тайёрлаган «СССР 1987 йилда — рақамлар тили билан» деган қисқача статистик тўпламни «Молия ва статистика» нашриёти босмадан чиқарди. Китобда СССРни 1987 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек 1940, 1980, 1985, 1986 ва бошқа йиллар кўрсаткичлари билан таққослашга оид рақамлар бор.

Тўпламда бошқа социалистик мамлакатларнинг иқтисодий ва маданий ривожланишига тааллуқли баъзи маълумотлар ҳам келтирилган. Бир қанча кўрсаткичлар капиталистик давлатлар билан қиёсланган.

(ТАСС).

